

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ
ПРЕДМЕТИ

Абдураззақова Ферузахон

Андижон давлат университети умумий педагогика кафедраси

Шерматов Муслимбек Диербек угли

Андижон давлат университети

Аннотация: Тарбияни енг аввало инсоннинг ўзига қаратилганлиги Президентимиз томонидан ишлаб чиқилаётган бутун дунё ҳамжасияти тан олган, қадамма-қадам амалга оширилаётган “Ўзбек миллий модели”да жуда тӯзри белгиланди. Дунёда биринчи бор инсонни еътибори уни ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш биринчидан унинг ўзидаги нодир улуғ сиймо борлигини англаш ва ўзи унга амал қилиши хусусиятларини шакллантириб бориши бўлса, иккинчидан унинг ўзига хос миллий инсоний сифатларини очиб берувчи етник, маънавий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишидан иборатдир.

Таянч сўз ва иборалар: Педагогика, педагогиканинг мақсад ва вазифалари, педагогиканинг асосий категориялари, педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва боғлиқлиги, педагогик фанлар тизими, педагогик илмий-тадқиқот методлари, сұхбат, кузатиш, тест, сўровномалар, эксперимент, тажриба-синов, статистика маълумотларини таҳлил қилиши.

Ҳар бир киши касб-корни мукаммал билмоғи,
яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб,
фазилатларга ега бўлмоғи керак.

Абу Наср Фаробий

Педагогика атамаси ҳам қадимий бўлиб, “бала йетакловчи”деган маънони билдирувчи грекча “пайдогогос” сўзидан келиб чиқкан. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, еҳтиёж қондиришган тарбиячини, яъни қулларни “педагог” (бала йетакловчи) деб аташган. Кейинчалик еса, маҳсус ўқитишган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагоглар деб атай бошлашган. Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар унинг яшashi, ҳаёт кечириши учун енг зарурый шарт ва воситалар еканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятнинг илк кўринишлариданоқ, тарбия билан шуғулланувчи мутахассисларга еҳтиёж туғилди, десак биз тарбияни факт бир томонини, агар ёшларни тарбиялаш, десак тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия енг аввало ҳар бир инсонни ўзига қаратилгандир. Ҳар бир киши доимо ҳам ақлий, тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Чунки бунда жамиятдаги ўрта, катта авлоднинг тарбиясида камчиликлар,

йетишимовчиликлар бор екан-да, деган хулоса чиқармаслиги керак. Чунки оламнинг моддий-маънавий тузилиши, қурилиши, унинг ривожи, инсоннинг моддий - маънавий яшаш шароити, имкониятлари, унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаши, мавжудлиги, баҳтиёргилигини таъминлаш имкониятлари, унинг ақлий- ахлоқий, жисмоний ривожи, ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Табиатдаги, жамиятдги муаммолар инсониятни маънавий- ақлий ривожланишига йўналтириб унга ўзининг янги-янги хазиналарини очиб бораверади.

Юқорида санаб ўтилган икки сифат комил инсон сифатнинг асосини ташкил етади. Чунки комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларни хулосалаб, мужассамлаштирилса, улар асосан учта:

1. Езгу ният, фикр
2. Езгу сўз, хушмуомала
3. Езгу иш, езгу фаолиятдан иборатdir.

Шу юқоридаги уч сифат ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг бош мақсадидан иборатdir. Бу бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий-амалий ўқув, малака, кўникмалар билан қуроллантира бориш, мутахассисларда ҳар бир соҳага мос илм, билим, кўникмалар ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асосларини кенгайгандигини кўрсатади.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг таълим - тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуслари воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожи шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Педагогиканинг ривожига ИХ-ХВИ асрлар (Шарқ уйғониши даври) да яшаб ижод етган Ал-Бухорий, Ат- Термизий, Абу Насир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошгари, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Мирзо Улугбек, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар, ХИХ асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик намёёндаларидан Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидаҳмад Сиддиқийлар, Оврўпа давлатларининг буюк мутафаккир ва педагог олимларидан Ян Амос Коменский, Жан Жак Руссо, И.Г.Пестколоцси, Адолф Дистервег, К.Д.Ушинский, А. С.Макаренко, Ж.Локк, Жон. Дюи, Едвард Торндайк, С.Т.Шацкий, Б.Блумлар улкан ҳисса қўшдилар.

Педагогика фан сифатида шаклланиб, такомиллашиб бориб, таълим - тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуслари ҳамда ташкил етиш шакллари ҳақидаги фанга айланди.

Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига емас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли еканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги

пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиши, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Педагогиканинг обьекти - асосан ўқувчилар ҳисобланса, предмети еса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиёти ҳисобланади.

Педагогика фанининг мақсади:

Республикамизда комил инсонни вояга йетказишининг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини хал қилиш;

Таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва Дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш;

Умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини еътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мағкуруни шакллантириб бориш имконини яратиш;

Педагогика-тарбияшунослик қоида, қонунларни илфор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва янги иш шаклларини излашга тадбирлар белгилаш;

Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлаштириш муаммоларини ҳал қилиш;

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо етиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал етади. Мазкур жараёнда қуидаги вазифаларни бажаришга еътибор қаратилади:

1. Маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

2. Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

3. Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиқсан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.

4. Таълим муассасалари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.

5. Илфор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий етиш.

6. Педагогларни педагогика назариясига оид билимлар ҳамда таълим-тарбия усуслари билан қуроллантириш.

7. Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

8. Ўқитиши ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.

9. Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил етиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати, уни ўқитиш ва тарбиялашга еътиборни қаратади. Шу боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси педагогика фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Педагогика фанининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири - бу тарбия назарияси саналади. Тарбия назарияси бевосита тарбия жараёнини ўрганади.

Тарбия жараёнида микро мухитнинг ижобий таъсиридан тўла фойдаланилади ва салбий таъсирини заифлаштиришга ҳаракат қилишади. Тарбия бир жойда тарбияланувчиларга таъсир кўрсатадиган барча бўғинлар бирлашиб, ахиллик билан ишлашга еришилади ва ҳар бир шахс ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятига ертароқ ега бўлади. Тарбия аксарият ҳолатларда кенг маънода ишлатилиб таълим, маълумот ривожланиш жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади. Уларнинг натижаларини ўзида акс еттиради. Асосий педагогик тушунчалардан яна бири таълим, яъни ўқитиш, билим бериш тушунчасидир. Таълим деганда, биз ва инсониятни илмий билимлар ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш қобилиятларини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунамиз. Таълим ўз даражаси ва вазифасига қараб мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, профессионал таълими ва олий таълими, олий ўкув юритидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат бўлиб, улар узлуксиз таълим тизимини ташкил қиласиди. Келажақдаги ихтисослигидан қатъий назар, ҳар бир киши учун билим кўникма ва малакаларни умумий ўрта таълим мактабларда берилади. Касб егаллаш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълимига қарашли ўкув юртларида оладилар. Таълим маҳсус тайёргарлик кўрган, педагогик фаолият билан шугулланиш хукуқига ега бўлган шахслар раҳбарлигида амалга ошириладиган билим бериш жараёнидир. Таълим педагогларнинг (билим бериш) фаолиятидан ва ўқувчи-талабаларнинг (билим олиш ўқиш) фаолиятларидан иборат қўшалоқ жараёндир. Биргаликдаги фаолият орқали ёшлар илмий билимлар билан қуролланади. Бунинг натижасида уларни ижодий қобилиятлари ҳар томонлама шаклланади.

Педагогика узоқ тарихий жараёнда шаклланар екан, ҳозирга келиб илмий билимларни мустақил бир тармоғи сифатида, фан сифатида шаклланди. Ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада педагогика фанлари тизими, яъни унинг тармоқлари вужудга келди. Яқин вақтларгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг мустақил янги йўналишлари яратилди. Жумладан, педагогика тарихи мустақил тармоқ сифатида, педагогика фанининг тарихан ривожланиши ўзида акс еттирилади. Бунда ўтмишдаги илгор педагогик ғояларни пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, меросдан фойдаланишининг зарурияти ҳақида фикр юритилади.

Тарбиялаш, таълим олиш ва беришни амалга ошириш билан кишилар жамиятда муайян муносабатларга киришадилар - бу тарбиявий муносабатдир.

Тарақкӣ етиш - бу инсоннинг интеллектуал ва руҳий муҳитида турли омилларнинг таъсирида психикасидаги сифат ва миқдорли ўзгаришларнинг шартли жараёни:

Ташқи омиллар: табиий ва ижтимоий муҳит, тарбия ва муомала.

Ички омиллар: шахс фаоллиги, фаолиятдаги анатомо-физиологик шартшароитлар.

Бошқарib бўладиган омиллар: тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш, мустақил ўқиши, мустақил равишда ижод етиш.

Бошқарib бўлмайдиган омиллар: муҳитнинг об`ъектив, табиий таъсири.

Шахснинг тарақкӣ етиши умумий, интеллектуал, психик ва жисмоний жиҳатларга бўлинади.

Шахснинг ривожланиши доимо билимга доир жиҳатлари билан боғлиқ бўлади.

Шахнинг билимга доир жараёнлари - таълим бериш вазифаларини тушуниш ва ҳал етишга йўналган ҳаракатлар тизими. Уларнинг босқичлари: қабул қилиш, фаҳмлаш, тушуниш, мустаҳкамлаш, ёдда сақлаш ва қўллаш.

Шахнинг ижтимоий йетуклиги - кишининг қийматларни, нормаларни, намуна, хулқ, муайян вақтдаги муайян жамиятдаги хосликларни юқори даражада ўзлаштириши.

3. Педагогика фанларнинг тузилиши .Педагогик фанлар тизими. Илмий-педагогик тадқиқот методларига тавсиф.

Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо етади. Бизга маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага ега бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқати назардан педагогика фани билан қўйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд: Фалсафа, Иқтисодиёт назарияси, Социология, Етика (ахлоқшунослик), Естетика, Физиология, Гигиена, Психология, Тарих, Маданияцхунослик, Тиббий фанлар, Маънавият асослари.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшлирига қаратилган тармоқ педагогикалар мавжуд. Жумладан: мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, педагогик менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогика, харбий педагогика, янги педагогик технологиялар кабилардир. Бу тармоқ педагогикалар мактабгача таълим муассасаларида умумий ва ўрта маҳсус профессионал таълими, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини ўрганади. Булардан ташқари дефектология деб аталувчи маҳсус педагогика ҳам шаклланди ва маҳсус ўқув масканларида ўқитувчи, тарбиячилар тайёрлашда сурдопедагогика (соқов болаларни ўқитиш ва тарбиялашда), тифлопедагоги (кўзи ожиз болаларни ўқитиш), олигофренапедагогика (ақлий ривожланишдан орқада қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш) логопедия (нутқи яхши ривожланмаган болаларни ўқитиш) масалалари билан шуғулланади.

Педагогика фанлари тизимиning муҳим тармоғи сифатида аниқ фанларни ўқитиш ва ўрганишнинг қонуниятлари ўрганувчи услубиёт фанининг ҳам хизматлари бекиёс каттадир. Ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос йўл усуслари мавжуддир. Баъзан бу фанни хусусий методика, яъни услуб деб аташлари ҳам бежиз емас. Ҳозирги кунда ўқув юртларида тарих ўқитиш математика ўқитиш, тил ўқитиш услубиёти фани ўқитилмоқда. Кейинги йилларда, оила педагогикаси, профессионал таълим педагогикаси, ҳарбий педагогика, спорт педагогикаси кабилар шаклланмоқда. Педагогика мустақил фан сифатида шаклланади ва шаклланмоқда. Аммо шахс камолоти билан боғлик, муаммоларни ҳал этишда бошқа фанлар билан ҳамкорлик қиласди.

Педагогиканинг ривожланиб ва бойиб боришига қайси фанлар таъсир ко`рсатади?

Педагогикада шундай маҳсус методлар мавжудки, улар ёрдамида таълим-тарбия жараёнига оид муҳим фактлар, тури педагогик вазиятлар моҳиятлари, механизмлари, хусусиятлари ўрганилади. Объектив дунёни билиш, назарияда нимани ўрганиш ва ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларнинг туркумлари.

Педагогик кузатиш усули қандай қўлланилади?

Кузатиш усули - таълим-тарбия жараёнларининг амалдаги ҳолати билан таништиради, уларнинг оқибат натижаларини билишга ёрдам беради ва шу аснода яратилган янги қашфиётлар учун далиллар, омиллар йиғиши имконини туғдиради. Бу усул анча мураккаб бўлиб, назарда тутилган мақсад қандай амалга ошаётганлигини аниқлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари, индивидуал фарқларини қиёслаш учун ҳам қўлланилади. Табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муаммоларидағи ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар еса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаолиятини балки уларнинг илмий дунёқарашлари шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, хulosалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил етади. Бундай кузатишлар оқибат натижада педагогика фани мазмунини бойишига сабаб бўлади.

Илмий тадқиқотда тест, сўровномалар усули йетакчи усул саналади. Сўровнома - анкета усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гурухли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хulosалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Тест синовларини ўтказишдан мақсад оз вақт ичida ўқувчиларнинг билимларини ёппасига аниқлаш ва баҳолашдир. Тест саволларининг ўрни ва уларнинг мазмунан ранг-баранг қилиб тузилиши, ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ўстиради, келажакни реал баҳолаш қобилиятини тараққий еттиради.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усулига нималар киради?

Бу усул орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинади. Мактаб ҳужжатлари дейилганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сони, ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари | синф журналлари, кундалик дафтарлари, буйруқ дафтарлари, педагоглар кенгашининг қарорлари дафтари, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтари ва бошқалар тушунилади.

Експеримент - тажриба-синов усулиниң аҳамияти қандай?

«Експеримент» сўзи лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш» маъносини англатади. Експериментал тажриба ишлари, асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбики жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. Експеримент усули шароитга қараб З хилда ўтказилади: 1. Табиий експеримент, 2. Лаборатория експерименти, 3. Амалий тажриба.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули нима учун керак?

Педагогик тадқиқот статистика маълумотларисиз, уларнинг таҳлилисиз ўзлигини намоён етолмайди. Нафақат илмий изланишлар борасидаги, балки ҳалқ таълими соҳасидаги, жумладан ажратилган маблағларнинг оширилиши, ҳалқ таълими муассасаларининг ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади. Статистик омил аниқ, ҳаётий бўлса бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий тадқиқотнинг қиммати юқори бўлади.

Педагогик тадқиқотда математика ва кибернетика усулиниң аҳамияти

«Кибернетика» грекча ролни бажараман, идора етаман деган маъноларни англатади. Кибернетика ишлаб чиқариши, техникани, тирик организмларни, кишилик фаолиятини бошқаришнинг умумий қоидаларини ва воситаларини ишлаб чиқади. Унинг мазмуни ахборот бериш, дастурлаштириш, алгоритмлар, бошқарувчи тизим, модел ясаш сингари асосий назарияларда ўзлигини намоён етади. Мазкур усулдан бугунги кунда педагогикада ҳам кенг фойдаланилмоқда.

“Ривожланаётган илмий тажрибага асосланмаган тушунча тадқиқотга оид лойиҳа ва тажрибалар билан бир хил назорат қилиниши мумкин. Тадқиқот усуллари илмий лойиҳа билан баҳслашади, шунинг учун талабалар методик қурилган ҳажмда тажрибалар ўтказишади, илмий тадқиқотларни амалга оширишади. Шунингдек, лаборатория ҳисботлари талабаларнинг малакали олимлар каби ўйлашлари, анализ ва синтез қила олишларини таъминлашга қаратилган. Ундан ташқари, талабалар бошқарилган ёки очиқ тадқиқотларда қатнашаётган пайтда, улар илмий тажрибаларни топиш, тахминларга асосланган мулоҳазаларини синаб кўриш ва мукаммаллаштириш учун тадқиқотлар ўтказишмоқда - улар мантикий усулда ўз тушунчаларини ривожлантириш учун химояланади. Таъсирли илмий ўқитувчилар

талабаларга мустақил ўрганувчи бўлишларига ёрдам берувчи фаолиятлар яратадилар".

ХУЛОСА: Демак, педагогика фани ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади.

Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари қанчалик тўғри танланса, таълимтарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усуллариға дөгматик ёндашиб мүкин емас. Иккинчи томондан, илмий тадқиқот усуллари тизими ҳали ҳозирча фанда тўла яратилган, ишлаб чиқилган емас.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Педагогикага оид ижодий ва иммитацион масалалар тузишга ҳаракат қилинг. (намуна учун қуйидаги масалага қаранг)

1- масала. Қуйидаги педагогик вазият йечимини топишга ҳаракат қилинг. Автобусда кетаётиб, оғир юк кўтарган ёши катта кишининг туриб қолганига кўзингиз тушди. Рўпарадаги ўриндиқда ёш йигит ва қиз пинагини бузмасдан ўтиришибди. Сиз шу вазиятда қандай ҳаракат қилган бўлардингиз?

- а) гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, йўлимни давом еттираман.
- б) йигит-қизларга мурожаат қилиб жой беришларини сўрайман.
- в) қўлидаги юкни қўлимга оламан.
- г) ноординар ҳаракат қиласман.

2. Немис олимни Келлог қуйидаги тажрибани синовдан ўтказди: Шимпанзе ва ёш боланинг бошидаги тукларини тортиши натижасида бири дарҳол йиғлашга тушар, иккинчиси еса ҳар гал тажриба ўтказувчининг қўлини силкитиб ташлар еди. Синов бир неча бор такрорланганда ҳам шу ҳол такрорланди.

Савол: Синалувчиларнинг қай бири йиғлашга тушган, қай бири еса йиғламасдан тажриба ўтказувчининг қўлини силтаб ташлаган. Бунинг сабабини изоҳланг.

3. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методларини акс еттирувчи чизмалар яратишга ҳаракат қилинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли. Асарлар, 1-жилд. -Т.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - йенгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. Алимова Д.А., Голованов А.А
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболлариига бағищланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, И